O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 21-oktabr • Seshanba • 127 (27.932) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир.

Ислом КАРИМОВ

ГЕРМАНИЯДА «USBEKISTAN HEUTE»НИНГ ЯНГИ СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

Германияда «Usbekistan heute» («Бугунги Ўзбекистон») журналининг сентябрь ойи сони босмадан чиқди. Берлиндаги Ўзбекистон элчихонасининг ушбу нашри мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар билан немис жамоатчилигини яқиндан таништириб бориш мақсадида жорий йили июль ойидан бошлаб немис тилида чоп этилиб келинади.

Журналнинг мазкур сонида юртимизнинг бугунги ҳаёти ва бой тарихий ўтмиши тўғрисида ҳикоя қилувчи турли хабар ва мақолалар ўрин олган бўлиб, бош мавзу рукнидан Ўзбекистонда кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги мақола жой олди. Унда мустақилликдан сўнг юртимизда диний эркинлик муҳитининг яратилиши, фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини кафолатлаш борасида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, мамлакатда динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик маданияти янада мустаҳкамланганлиги атрофлича қаламга олинган.

«Ўзбекистон: мустақилликнинг 17 йили» мақоласида тараққиётнинг 17 йили мобайнида жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар борасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ўз ифодасини топган. Ушбу сонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг «Ўзбекистон-ЕИ» Ҳамкорлик Кенгаши 8-йиғилишидаги иштироки якунларига оид (Брюссель, 16 сентябрь 2008 йил) матбуот хабари ҳам чоп этилган. Унда мазкур учрашув юртимизнинг Европа Иттифоқи билан икки томонлама муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлгани алоҳида таъкидланади.

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муқаддас қадамжолар» сарлавҳали мақолада эса халқимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани, мамлакатимиздаги муқаддас зиёратгоҳ, табаррук қадамжолар, зиё маскани бўлган мадрасалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

«Иқтисодиёт» рукнидаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар» мақоласи мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестициялари жалб этилаётгани ва уларнинг самарали натижалари тўғрисида сўз боради.

«Хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ҳамкорлик» мақоласида Ўзбекистон Президентининг шу йил 5 сентябрь куни Москвада бўлиб ўтган Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти (ОДКБ) саммитидаги иштироки хусусида ҳикоя қилинади. Шунингдек, «Франция делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи», «Ўзбекистон — Озарбойжон: ҳамкорликнинг янги босқичи» мақолалари ҳам ушбу нашр саҳифаларидан ўрин олган.

«Элчихона ҳаётидан» рукнида эса мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонаси томонидан муҳим йўналишларда ГФРда ўтказилган қатор тадбирларга оид хабарлар ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, «Usbekistan heute» журнали ўқувчилари сафига Германия сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, илмий-маданий доиралари ҳамда бу ердаги хорижий дипломатия корпуси вакиллари ҳам кирган.

Ш.УМИРОВ
«Жаҳон» АА
Берлин шаҳри

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

«Наманган электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси қишги мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Айни кунларда тизимда қўшимча янги трансформаторлар ўрнатиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Айниқса, Норин туманининг «Дўстлик», «Зарбдор», «Катта Ўлмас», Учқўрғон туманининг «Ўрдабоғ», Чортоқ туманининг С.Раҳимов номидаги, «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинларида, Алихон қишлоғида истеъмолчилар талаб-истаклари асосида қиш ҳозирлиги пухта ташкил этилган.

Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғида 1,5 километр узунликдаги «Нанай ҳаво тармоғи» қурилиши ҳам якунланиш арафасида. Қамчиқ довонида электр энергияси таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида подстанциялар ва «Резак» подстанциясини қор кўчкисидан ҳимоя қилиш иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Суратда: *тажрибали электрмонтёри Аъзам Ғафуров.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги иш кўрилди.

Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддаси нормаларининг бир хилда эмаслиги ишни кўриш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ боқувчининг ўлими муносабати билан зарар: вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча тўланади.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмида ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшдан катта ва йигирма уч ёшга тўлмаган, ўқув юртининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган шахслар зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига асосан улар бундай ҳуқуққа эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи нормаларидаги мазкур фарқ ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланилишида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ишни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш лозим, деган хулосага келди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етгунга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқини белгиловчи ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзА)

21 октябрь — «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кун

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ИФОДАСИ

Фарзандингиз, набирангиз кўз олдингизда ўсиб бораётир. Ана у эмаклаяпти, қоқилиб, суриниб... юра бошлади. Мана, тили чиқа бошлабди. «Да-да», «О-на» деди. Она тилида! Бу билан у миллатимизнинг қадимий тарихига, жамики аждодларга, бугунига қараб: «Мен келдим!», деди гўё. Демак, ўзбек тили яшайди. Унинг яна бир вориси дунёга ўзининг биринчи сўзини айтди. Халқимизнинг, Ватанимизнинг бўлажак жонкуяр йигити, қизи.

Ўзбек тили. Миллатимизнинг кечмиши, барча жабҳаларда уч минг йиллик тўплаган тажрибаси, туйғулари ифодаси. Ўзбек қалби, ақлининг овози. Чунки дунёдаги барча халқлар каби ўзбеклар ҳам ўзлари кўрган, билган, нарсаларни ўз сўзлари билан атади. Белгилади. Шу маънода ўзбек тили — ўзбек маънавиятининг луғати, деса ҳам бўлар.

•••

Бугун бутун халқимиз ўзбек тилининг давлат тили мақомини олганлигининг 19 йиллигини нишонламоқда. Бу билан биз нафақат тилимизнинг, балки ўзбекча сўзлар орқали айтилиб, хулқимизда кўрилаётган миллий маънавиятимизнинг юксак мақомини ҳам нишонламоқдамиз. Биргина мисол: кўп халқларда нотаниш одамлар бир-бирларига «мужчина», «женщина», «гражданин», «сэр», «жаноб» деб мурожаат қилишади. Бу мурожаатларда икки одамнинг ҳуқуқий, ижтимоий фарқи, масофаси таъкидланиб, расмий мурожаат қилинади. Бироқ, умрида биринчи марта кўраётган кишисига «болам», «ака», «ука», «амаки», «қизим», «синглим», «опа», «кеннойи», ҳатто «тоға» деб мурожаат қиладиган миллатлар кўпмикан? Бизда шундай. Нега? Ҳар биримиз мурожаат қилаётиб, ватандошимиз олдида укалик, акалик, сингиллик, жиянликнинг маънавий бурчини оламиз. Бу билан «бизлар қадрдонларимиз», деймиз гўё. Жавоб ҳам шунга мос, самимий бўлади. Шундай эмасми?

Жафокаш ўзбек тили кўп ситамларни кўрди. Балки шунинг учун жадидчи боболаримиз бизга «она тилини жон ўрнида асраш»ни васият қилиб кетгандирлар. Бу бежиз эмас эди. 1909 йил Чор амалдорлари «туркистонликларнинг адабий тили йўқлиги сабабли таълим-тарбия фақат рус тилида олиб борилади», деган кўрсатмани эълон қилишади. «Таржимон» газетасининг 1909 йил 17 ноябрь сонида маърифатпарвар зиёлиларимиз бунга қарши мақолалар ёздилар. Аҳмад Яссавийлар, Али Қушчи, Алишер Навоий, Улуғбек, Форобий, Ибн Синолар Ватани Туркистон нега энди «тилсиз», «адабиётсиз» бўлиб қолди, дея бонг урдилар.

Она тилимизда «тавозеъ», «ҳаё», «виждон», «иймон» ва бошқа сўзларнинг фаол қўлланилганлиги миллий маънавиятимизнинг юксак чўққига кўтарилганлигидан далолат. Лекин шўро даврида миллий фазилатлар «қолоқлик», «маданиятсизлик кўрсаткичи», «эскилик сарқити» дея камситилди. Бу ҳам камлик қилди. Кейинги авлодларга ўтиб қолмасин, деб мактаб дарсликларидан сиқиб чиқарилди. Мақсад — ота-боболарнинг миллий маънавий фазилатлари болаларига бошқа тилдаги сўздек тушунарсиз, бегона бўлишига эришиш эди.

Аввалига пролетар, кейин коммунистик биртиллаштириш сиёсати собиқ иттифоқнинг барча халқларига маънавий жароҳат етказди. Бу жароҳат ҳали ҳам ўзини эслатиб туради. Шу ўринда отахон ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг шўро давридаги кузатувларидан бир парча келтирамиз: *«Кўпгина ёшларимиз «Инсоф» нималигини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмагандек, тушунмайдилар.*

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қўлидан ушлаб,

(Давоми 2-бетда)

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ҚУВОНЧ ҲАМ, ТАШВИШ ҲАМ ЎРТАДА

Вобкент туманидаги «Қўнғирот» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Рафиқ Қулиевнинг иш столида: «Кимгадир суяниб эмас, балки кўпларга суянчиқ бўлиб яша!» — деган ёзув туради. Равшанки, бу — раис фаолиятининг бош мезонидир. Шундан бўлса керак, Рафиққон ҳам партия ташкилоти, ҳам қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Ёш бўлишига қарамай, кўпчиликни ортидан эргаштириб, партия дастурий мақсадлари, ислоҳотлар самараси сари сафдошларини дадил бошлаб бораяпти.

— Бир сўз билан айтганда, бу ерда қувонч ҳам, ташвиш ҳам ўртада, — дейди партиямиз фаоли Зубайд Бафоев. — Гарчи ҳудудда яшайдиган ўн мингдан зиёд аҳолидан 126 нафари ЎзХДП аъзоси бўлса-да, улар елкасидаги масъулият юки салмоқли, ҳар бирининг жамиятда ўрни бор.

2-бет

✓ Фаоллар ташаббуси билан

«МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ»

Миллат маънавиятини юксалтириш орқали юртимиз салоҳиятини кучайтириш ҳукуматимизнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Маҳалланинг бу борадаги аҳамияти ва ўрнини ошириш давр талабидир. Бу ишда маҳаллаларга кенг жамоатчилик, жумладан сиёсий партиялар ҳам ҳамкор бўлмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 21 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	935,48
1 Англия фунт стерлинги	2326,57
1 Дания кронаси	242,47
1 БАА дирхами	365,14
1 АҚШ доллари	1340,81
1 Миср фунти	240,72
1 Исландия кронаси	11,96
1 Канада доллари	1133,97
1 Хитой юани	196,34
1 Малайзия рингити	380,70
1 Польша злотийси	509,19
1 СДР	2038,15
1 Туркия лираси	893,93
1 Швейцария франки	1182,37
1 ЕВРО	1806,21
10 Жанубий Корея вони	10,28
10 Япония иенаси	131,75
1 Россия рубли	51,08
1 Украина гривнаси	270,12

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Обуна — 2009»

210 НУСХАГА ОБУНА БЎЛДИК,

— дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир ТЕМИРОВ

«Ўзбекистон овози» газетасини кўп йиллардан буён севиб ўқийман. Унинг саҳифаларида Ватанимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақида ўзига хос услубда қизиқарли мақолалар, таҳлилий шарҳлар мунтазам бериб борилади. Айниқса, янги қурилаётган корхоналар, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишларини газета кенг ёритиб келаётгани менга маъқул бўлмоқда.

Фарғона нафтни қайта ишлаш заводида ҳам сўнгги йилларда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Маҳсулот турлари кўпайди. Илгари хориждан келтирилган бир неча хил нефть маҳсулотлари энди ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда ва ҳатто экспорт ҳам қилинаяпти. Маъмурий бўйруқбозлик ўрнини амалий ишчанлик ва ҳар бир ҳолатга реал баҳо бериш эгаллади. Ижтимоий ҳимоя кучайтирилди. Буларнинг ҳаммаси жамоа ҳамжиҳатлигини оширди ва меҳнат самараси юксалишига хизмат қилмоқда.

Севимли газетамиз бизнинг жамоадаги ижобий ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани қувончлидир. Шу боис 2009 йил учун энг илғор ишчи-хизматчиларга корхонамиз ҳисобидан 210 нусха йиллик обуна варақалари тарқатилди.

Ботир ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишчиси.

Газетада босилмади, аммо...

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида яшовчи Абдуҳалим Мадаминов таҳририятга йўллаган хатида ногирон экани, уй-жойли бўлиб, яшаш шароитини яхшилаб олиши учун иш қидираётгани ҳақида ёзган эди. Хат Узун тумани ҳокимлигига юборилди. Яқинда ҳокимликдан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади: *«Узун тумани, Бобур кўчаси 8-уйда яшовчи фуқаро А.Мадаминовнинг «Ўзбекистон овози» газетасига ёзган аризасига жавобан қуйидагилар маълум қилинади.*

Фуқаро А.Мадаминовга туман ижтимоий кўниктириш маркази томонидан 125190 сўм моддий ёрдам пули берилди. Унинг уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги аризаси 2008 йил 20 августдан бошлаб туман ҳокимлиги қошидаги «Ободонлаштириш» бўлимида №11-рақам билан навбатга қўйилди. Туманда янги уйлар қурилса, квартира билан таъминланади.

Туман ҳокимлиги томонидан А.Мадаминовни иш билан таъминлаш мақсадида ҳокимлик қошидаги «Ободонлаштириш» бўлимида меҳнат фаолиятини олиб бориши мумкинлиги маълум қилинди.

Узун тумани ҳокими Н.ТИЛАБОВ».

БУГУНГИ СОНДА:

• САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР
Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Жума Мирзаевнинг амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақида — 2

• ҚОНУНГА БЕПИСАНДЛИК
бор жойда барака бўлмайди — 3

• «ҲАММАМИЗ ҲАМ ШУ ВАТАННИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

— 4

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Инсофинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?» десам, «Инсоф» деганингиз нима?» деб анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. «Унақа дарс ўтганимиз йўқ», деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда Инсоф дарсини ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олмаган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаяптилар, англасалар ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар...» /Иброҳим Раҳим. «Ҳаёт чорраҳаларида», Тошкент, «Ўзбекистон», 1991 йил,110 бет./

●●●

Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо — юз қатла фарёд айларам, —

деган олтин сатрлар битган Мир Алишер Навоийни шўро мафкураси биздан айиришга кўп уринган эди. 1931 йилда «Партработник» журнали Алишер Навоий ва бошқа ўзбек мумтоз шоирлари ижодини «мистик, ақлга сиғмайдиган адабиёт», деган айбнома билан чиқди. Ноинсоф муаллифлар ҳеч бир андиша ва исботсиз ўзбек халқи ўтмишидан на ҳозир ва на келажакда фойдаланса бўладиган ҳеч нарса йўқ; бу маданий мерос бошдан оёқ тараққиётга душман меросдир, деб даъво қилдилар.

Аниқроғи, ҳазрат Алишер Навоийнинг буюк даҳоси коммунизм мафкурачиларининг ақлига сиғмас эди. Бизнинг буюк ўтмишимиз титратар эди. Мустақиллик, ҳурматли Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари шарофати билан сўз мулкининг султони ҳақиқий, жаҳоний эҳтиром топди. Япония, Россия, Озарбойжон пойтахтларининг энг гўзал марказларида ҳазрат Навоийга қўйилган ҳайкаллар буни ҳар куни эслатиб турибди.

Совет мактаби ўқувчиларга ўз она тилига, адабиётига бегоналикни, ёвқарашни сингдириб борди. Фикримизни асослаш учун ҳужжатларга мурожаат қилайлик: 1984 йилда «мактаб ислоҳоти» бошланди. Унда «она тилидан ўқувчиларнинг рус тили ва адабиётини ўрганишни енгиллаштирувчи восита сифатида фойдаланиш»га кўрсатма берилди. Ўқув режаларида она тилига ажратилиши зарур бўлган соатлар янада қисқартирилди.

Мантиқсизлик шу даражага етдики, ҳатто ўзбек адабиёти бўйича диссертациялар ҳам бошқа тилда ёқланар эди.

Коммунистик мафкуранинг юзлаб халқларни бир тилда сўзловчи, бир хил ўйловчи, бир хил қуйловчи «совет халқи»га айлантириш, уларга «ягона совет маданияти»ни сингдириш сиёсати ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган эди. Ҳозир 20 ёшли ўзбекистонлик йигит-қиздан «Илгари ариза, мажлис баёнлари ўзбек тилида ёзилмас эди; ҳатто Тошкент метросидаги ёзувлар, вагонларда эшиттириладиган эълонлар ҳам ўзбек тилида эмас эди», десангиз ишонишмайди.

Давлат тили масаласи жуда нозик масала эди. Ўшанда ўзбек тилини Давлат тили мақомига кўтариш учун жўда катта юрак, ундан ҳам катта жасорат, чўяндек ирода керак эди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида она тилимиз озодлиги, қадри учун бошланган кураш ғалабамиз билан тугади.

Чўққининг буюклиги узоқдан билинади, дейдилар. Келинг, бугун 19 йиллик масофадан туриб, она тилимиз учун кураш қандай кечганлигини бирга эслайлик. Бир томондан — 150 йиллик тутқунликдан тўйган миллий туйғу «қафасни оч!», деб турарди. Иккинчи томондан — «ўлкамиз кўпмиллатлилиги. Бундай вазиятда бир-бирига мутлақо зид, кескин фикрларни байроқ қилиб, енгил-елпи обрўга интилган популистлар халқимиз бошига кулфат келтириши мумкин эди. Биттагина учқун бўлса, бас. Марказда ва ўзимизда баҳона тўқиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучлар шуни кутарди. Президент Ислом Каримовнинг ўшанда оғир-вазминлик билан вилоят, шаҳар, туманларда халқимиз билан шахсан учрашиб, ҳар томонлама кенгашиб тутган йўли энг оқилона йўл бўлиб чиқди. Буни тоза виждонли, оқибатли халқимиз яхши билади. Миннатдорлик билан эсламоқда. Чунки тинчлик, барқарорлик, миллатлараро дўстлик, ўзбек халқининг эъзози, давлат тили масаласининг оқилона ечими — барчаси омон сақлаб қолинди. Масалани ҳавойи туйғулар эмас, ақл-идрок ҳал қилди.

Кечагидек ёдимизда. Олий Кенгашда Давлат тили масаласи бўйича махсус комиссия тузилди. Унинг аъзолари — таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари аҳолининг турли қатламлари, сиёсий гуруҳлар, турли миллат ва элатлар вакиллари билан атрофлича маслаҳатлашиб ишладилар. Жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб борилди. Ҳар бир фикр, таклиф диққат-эътиборда бўлди.

Ниҳоят, 1989 йил 19 октябрь. Давлат тили масаласи Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. 21 октябрь куни — ўзбек тили Давлат тили мақомини олди. 150 йиллик қарамликдан сўнг. Бунинг қадрини кимлар билди, кимлар билмади. Лекин бу бутун дунёда миллатнинг ўта муҳим сиёсий, ҳуқуқий, маданий, руҳий, маърифий ғалабаси деб қадрланади. Нишонланади.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун (1989 йилдаёқ!) жаҳон қонун ижодкорлиги, демократия, инсонпарварлик, миллатлараро тотувлик талабларига мослиги билан бугун бизни ҳайрон қолдиради. Чунки Қонунда: Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмаслиги (2-модда); давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланиши, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилиши (4-модда); миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг тилларида фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия болалар муассасалари ташкил этилиши (5-модда); Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилиши (6-модда); судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилиши (11-модда); аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши (14-модда); Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланиши; фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши (24-модда) қатъий белгилаб қўйилди.

Она тилимиз озод бўлди. Ундан кейин миллат тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилган воқеалар: Мустақиллик Декларациясининг эълон қилиниши, Президент бошқаруви тизимига ўтилиши, Миллий Мустақилликнинг қўлга киритилиши, Конституциямизнинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг дунёга, дунёнинг Ўзбекистонга очилиши, ўзгараётган тафаккур она тили таълимида, педагогик тафаккурда ҳам ўз аксини топа борди.

«Ўқиш китоби», «Она тили» дарсликлари эски тузум асоратларидан поклана бошланди. Шу ўринда беихтиёр Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидаги: **Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?**

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?» — деган қуюнчак саволлар эсга тушади. Ўша йилларда 7-8 ёшли ғўдакларимизга «Она тили», «Ўқиш китоб»ларида қандай тушунчалар сингдирилганлигини ҳозир эслатсак, катта кишилар ҳам сесканиб кетади. Мана улар: II-синфда ўқиётган мурғак фарзандларимизнинг «Ўқиш китоби» «Октябрятлар ҳаёти ва иши», «Улуғ октябрь», «В.И.Ленин — ишчилар иши учун курашувчи», «Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи»; III-синф «Ўқиш китоби», «Улуғ октябрь социалистик революцияси», «Ленин тириклардан тирик» каби бўлимлардан иборат эди.

Она тили орқали қўшиб сингдирилган ана шундай коммунистик мафкура тарғиботи ўрнига «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Навоий бобокалонимиз», «Ватанимиз ўтмишидан» каби миллий, маънавий мерос, аллома аждодларимиз ҳаёти, илмий жасорати ҳақидаги матнлар дарсликларимиздан жой олди.

Ўзбек тили давлат Конституцияси, байроғи, герби, мадҳияси каби давлат рамзига айланди. Қонун ҳимоясига олинди.

1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу асосда ишлаб чиқилган Дастурга мувофиқ мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда.

Ўзбек тилшунослигига, луғатшунослигига эътибор тобора оша борди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарорига асосан, беш жилддан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» бугун қўлларимизда. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўзбек тилининг этимологик луғати», «Ўзбек тилининг имло луғати» каби қатор янги нашрлар аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг давлат тилини пухта эгаллашига хизмат қилмоқда.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижроси маънавий-маърифий, тарбиявий соҳаларга ҳам янгича руҳ, сифат ва суръат берди. Буларнинг мисоллари — кўплаб нодир қўлёзмалар, атоқли адибларимизнинг асарлари катта ададларда чоп этилиб, халқимизга армуғон этилмоқда.

Тилимиз шўро даврида тор маиший мулоқот тили даражасидан давлатлараро музокаралар олиб бориладиган катта сиёсат тили даражасига кўтарилди. Жаҳоннинг манаман деган давлатлари раҳбарлари катта ҳурмат, иштиёқ билан ўзбек тилида ёзилган баён, шартномаларни имзоламоқдалар.

Ўзбек тили иқтисодиёт тилига айланмоқда. Банк, молия, божхона, бухгалтерия ишлари давлат тилида юритилмоқда.

Ўзбек тили замонавий илм-фан, ахборот технологиялари, Интернет тилига айланмоқда. Олимларимиз дунё фанининг мураккаб муаммолари ечимларини ўзбек тилида ёзилган диссертацияларида ҳимоя қилмоқдалар.

Ўзбек тили расмий ҳарбий тилга айланиб бормоқда. Зобит ва аскарларимиз кенг кўкракларини ғоз тутиб, ўз она тилида — ўзбек тилида сўзламоқдалар.

Дунёнинг нуфузли университетларида ўзбек тилини катта иштиёқ билан ўрганувчилар сони кўпайиб бораётир.

Тилимиз хорижий лингвистиканинг илмий объектига айланди. Ўзбек тили, унинг грамматикаси, шеваларининг тадқиқотчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

●●●

Кўриниб турганидек, ўзбек тилининг қадр-қимматини, муносиб мақомини тиклаш борасида қисқа даврда улкан ишлар амалга оширилди. Айни вақтда Президентимизнинг **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** китобида қайд этилганидек, ҳали Давлат тили масаласида қиладиган ишларимиз кўп.

Жумладан, она тилига муҳаббат, унинг буюклигини англашда Алишер Навоий меросидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни янада кўпроқ баҳраманд этиш, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, жамиятимизда тил маданиятини ошириш, адабий тилимизнинг софлигини таъминлаш, адабиётимизнинг энг етук асарларини она тилимиздан таржима қилиш ишларини кучайтириш, бунинг учун юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш имкониятларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга бевосита боғлиқ бўлган амалий вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, биз бебаҳо бойликнинг ворисларимиз. Она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини янада оширишга хизмат қилиш — ҳар биримизнинг шарафли фарзандлик бурчимиздир.

Муҳаммад ҚУРОНОВ

✓ **ЎзХДП депутатлари фаолиятидан**

Ташаббус бор жойда ривожланиш бўлади. Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликка йўл очилади. Бир сўз билан айтганда, бундай анъаналар келажакка муҳим пойдевор бўлиши муқаррар. Денов туманидаги «Нозим Мирзаев» масъулияти чекланган жамият раиси Жума Мирзаев ҳам ана шундай ташаббускор, тадбиркор, яратувчан инсонлардан. Жума ака сарбонлик қилаётган корхона йил сайин ривожланаётир, даромадлари ошиб бормоқда. Ишчи-хизматчиларнинг кайфиятлари кўтаринки.

САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Жума Мирзаевнинг амалга ошираётган хайрли ишлари ҳақида

— Жамият 1997 йилда ташкил топган, — дейди партиямиз фаоли Жума Мирзаев. — Дастлабки йилларда қийинчиликлар бўлди. Гоҳида эҳтиёт қисм, баъзан ёнилғи-мойлаш материаллари етишмасди. Кишида изланиш, интилиш бўлса, мушкулотлар барҳам топаркан. Жамоамизнинг аҳиллиги, энг муҳими, истиқлолнинг беқиёс имкониятлари билан бугун нафақат туманда, балки вилоятдаги нуфузли корхонага айландик. Айни кунларда жамиятда 75 киши меҳнат қилмоқда. Элликка яқин йўловчи ва юк ташувчи автотранспорт воситалари халқимизнинг оғирини енгил қилаётир. 2005 йилда 253,5 миллион сўмдан ортиқ даромад олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 300 миллион сўмдан ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди, йилни 350 миллион сўм даромад билан якунлашни чамалаб турибмиз.

Воҳа халқи Жума Мирзаевни фаолияти кўпқиррали, кенг фикрли инсон сифатида ҳам яхши билади. Масъулияти чекланган жамиятнинг тошлоқ, кўримсиз бўлган ҳовлиси бугун обод, Қизилсув дарёси ёқасигача гулзорга айланган. Дунёнинг турли мамлакатларидан турфа гуллар келтирилган. Энг қизиғи, айримлари қишнинг қаҳратонида ҳам яшнаб тураверади. Йигирма сотиҳдаги иссиқхона эса мўъжизанинг ўзгинаси.

— Мана бу помидорлар икки ойга етмай пишади, — суҳбатини давом эттиради Жума ака. — Янги йилда халқимиз дастурхонининг кўрки бўлади. Биласизми, ердан унумли фойдаланган киши кам бўлмайди.

Яна бир иссиқхонада лимон етиштириларкан. Боғдаги юз тупга яқин мевали дарахтларда шиғил ҳосил битган. Ундан қуйироқдаги иншоотда таъмирлаш ишлари ниҳоялаб қолди. Йил охиригача паррандачилик йўлга қўйилади. Беш минг бош товуқдан йилига 200 миллион сўм даромад олса бўлади.

Касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун корхонада тикув цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили иш бошлаган бу масканда 30 нафар киши иш билан банд.

— Жума ака меҳнатдан обрў топган инсонлардан, — дейди тумандаги 79-умумий ўрта таълим мактаби директори Сайфиддин Тошев. — Саховатли ва мурувватли ишлари боис, ҳурматга сазовор бўлди. 2005 йилда у кишининг ташаббуси билан аёлочи ўқувчилар учун махсус стипендия ташкил этилганди. У ҳар йили мунтазам бериб борилаётир. «Сиҳат-саломатлик йили»да Денов шаҳридаги «Тез тиббий ёрдам бўлими»га «Дамас» автомашинаси совға қилган ҳам Жума Мирзаевдир. Шунингдек, саломатлик масканларига бир миллион сўмлик чойшаблар тарқатилди, шаҳар коммунал хизмати бўлимига 3 та техника воситаси тортиқ қилинди. Булар ҳамюртимизнинг ҳимматидан далолат.

— Саховатпешаликни шиор билган бу инсон ҳақида тўлқиниб гапиришим мумкин, — дейди шифокор Равшан Мирзаев. — Айниқса, у «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да талай хайрли ишларни қилди. Тумандаги 67-интернат мактабга телевизор ҳамда 950 минг сўм ёрдам қилгани нафақат ёшларни, балки устозу мураббийларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Муқаддас қадамжо билан жамият оталиғидаги 79-мактаб атрофидаги йўлни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш учун 15 миллион сўмлик иш бажарилди. Сўфи Оллоёр зиёратгоҳини ободонлаштириш учун 3 миллион сўм маблағ ажратди.

— Ҳаёт экан, 2007 йилнинг поёнида қийналиб қолдик, — дейди 1-гуруҳ ногирони Али Сираев. — Шунда жамият раиси кўп яхшилик қилди. Ногиронлар аравачаси, телевизор ва бошқа уй жиҳозлари олиб келганини ҳозиргача унутмайман.

— Партиямиз фаоли, — дейди ХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуолим Бўриев. — Қизилсув дарёсининг туман ҳудудидаги ўзанини тозалаш, шаҳарнинг «Бойсун» кўчасини таъмирлаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Ёшлар йилида Жума Мирзаев янада шижоат билан меҳнат қилмоқда. Жамият раиси болалар спорти соҳасига бир миллион сўм ажратди. Шунингдек, айрим талабаларнинг шартнома пулини ҳам тўлаб берди.

Ҳа, Жума Мирзаевнинг ҳаётида саховат кўрсатиш, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш каби эзгу ишлар оз эмас. Унинг ҳаёти яратувчанлик, яшнатувчанлик руҳи билан йўғрилган. Амалга ошираётган хайрия ишлари ҳам бунинг исботидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАЗРАТ ОБЛОҚУЛОВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради. Моҳир пахтакор, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги «Қаҳрамон Ҳазрат пахтакор» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳазрат Облоқулов шу йил 19 октябрь куни 80 ёшида вафот этди.

Ҳазрат Облоқулов ўз меҳнат фаолиятини иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида бошлади. Дастлаб жамоа хўжалигида сувчи, звено бошлиғи, бригадир, бош пудратчи бўлиб узоқ йиллар виждонан ва самарали меҳнат қилди. У ўзининг бор кучини ва бой тажрибасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Бухоронинг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мунтазам равишда мўл ҳосил олишга эришиб, омилкор деҳқон сифатида танилди. Ишнинг негизини билиш, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб яшащдек юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

У қишлоқда ҳал қилувчи қучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларидан бири сифатида хўжалик юритишнинг ушбу истиқболли шаклини амалда тасдиқлашга катта ҳисса қўшди, кўплаб ёшларга деҳқончилик сир-асрорларини яқиндан ўргатди.

Ҳазрат Облоқуловнинг республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими», «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонлари билан тақдирланган эди.

Меҳнаткаш ва камтарин инсон, уста пахтакор Ҳазрат Облоқуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУҲАММЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ,
С.ИСМОИЛОВ

ЭНГ ЯХШИ ҲУҚУҚ БИЛИМДОНИ

Наманган вилоятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Куни кеча вилоят адлия бошқармаси томонидан Наманган Санъат коллежида ана шу мавзуга бағишланган семинар-учрашувда ўқувчи-талабалар, депутатлар, маҳалла маслаҳатчилари, ўқитувчи-тарбиячилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари иштирок этди.

Савол-жавоб, ўзаро фикр алмашув тарзида ўтган тадбирда ёшлар орасидан энг яхши ҳуқуқ билимдонлари аниқланди. Муҳаммадислом Эронов, Мавзия Тўрабоева ва Бобур Арслоновлар номинациялар бўйича «Энг яхши ҳуқуқ билимдони» сифатида эътироф этилиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚУВОНЧ ҲАМ, ТАШВИШ ҲАМ ЎРТАДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳақ гап. Зубайд ота кўп йил раҳбарлик лавозимида меҳнат қилиб, ҳамюртлари учун анча-мунча хайрли ишлар қилган. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги ободончилик ишларига доимо бош-қош. Яқинда қишлоқ қарияларига етакчи бўлиб, масжидни таъмирдан чиқарди, оталар чойхонаси бунёд этди. У ёшларга қишлоқ тарихи, аждодларимиз ҳақида сабоқ беришдан чарчамайди. Бундай фаоллар билан бошланғич партия ташкилоти таъсир доирасини кенгайтириб қолмай, обрўсини ҳам ошираяпти. Шу боис ҳар йили кўплаб ёшлар партия сафига кирмоқда.

Яна бир жиҳат. Бу ерда халқ депутатлари туман Кенгашига уч нафар партиядошларимиз сайланган. Депутатлар ўз сайлов округларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни яхши билгани ҳолда, улар ечимига ҳам эътиборни ошираяпти.

Партия ташкилоти раиси Рафиқ Кулиев Бақо Вафоев, Самад Файзуллаев сингари депутатлар орқали аҳолини табиий газ билан узлуксиз таминлаш масаласини туман сессиясигача олиб чиқди. Натижада бу муаммо ўз ечимини топди. Мўминобод, Астрабод, Бешработ, Қўнғирот, Абдурдувон, Бузундувон, Ҳажувон, Ёшлик қишлоқлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ҳажувон қишлоғида янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 3 та мактаб, янги барпо этилган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, 4 та қишлоқ врачлик масканидаги ишлардан ҳамиша депутатлар хабардор.

Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида 4 та маҳалла мавжуд. ХДП аъзолари, маҳалла раисию маслаҳатчисига ҳар бир оиладаги аҳвол, уларнинг турмуш тарзи ва орзу-истаклари кундек равшан. Мўминобод маҳалласида яшовчи Муқаддас Нарзуллаеванинг ҳовлиси партиядошлар кўмагида таъмирдан чиқарилди. Косагари маҳалласида яшовчи Барфия Насимова, Рисолат Султонова сингари меҳрталаб инсонлар ҳамиша маҳалла-кўй назарида. Чўрикалон қишлоғида яшовчи Нажим Хурсандов ўғлининг тўйида жонбозлик кўрсатгани учун ЎзХДП фаолларидан хурсанд.

— Ҳозир қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Халқимизнинг турмуш тарзига ҳавас қилса арзийди, — дейди мўминободлик партиямиз фаоли Сожида Бордиева.

Дарвоқе, Қўнғирот бошланғич партия ташкилоти ўз аъзолари жипслиги, фаоллиги билан вилоятда кўзга кўринган.

— Биз сон кетидан қувмаймиз, сифатга эътибор берамиз, — дейди партия ташкилоти раиси Рафиқ Кулиев. — Шундан бўлса керак, ишимизда унум ва барака бор. Келгуси йилда бўлажак сайловларда юқори натижага эришишимиз аниқ. Ўз фаолиятини шу партия билан боғлаган юзлаб фидойиларни бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти эл-улусга таянч бўлаяпти, оғирини енгил қилаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МАҲАЛЛА – МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман кенгашларининг «Маҳалла — маънавият ўчоғи» мавзуидаги давра суҳбати фикримизнинг тасдиғидир.

Шарбат Абдуллаева, Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатдаги барқарорлик маҳалладаги тинчлик, осойишталик ва фаровонликка асосланади. Шу нуқтаи назардан партиямизнинг масъулиятли йўналишларидан бири бўлган оила, мактаб, маҳалла институтларини ривожлантириш даврнинг муҳим талабидир.

Гофур Маҳмудов, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари:

— Маҳаллада турли миллат ва авлод вакиллари истиқомат қиладилар. Ҳукуматимиз томонидан диний маърифат ва ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар лавозимининг жорий қилингани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунга қарамай, бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Уларни амалга ошириш учун сиёсий партиялар билан ҳамкорликда фаолият юритиш ижобий самара беради деб ўйлайман.

Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раислари, партия фаоллари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фуқароларнинг саволларига жавоб қайтарди ва уларга тегишли маслаҳатлар беришди.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *давра суҳбати қатнашчиларидан бир гуруҳи.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

✓ Солиқ ва ҳаёт

ҚОНУНГА БЕПИСАНДЛИК

бор жойда барака бўлмайди

Мамлакатимизда мустақиллик туфайли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратилди. Бу ҳалол меҳнат қил, даромад топ, бойи, аммо қоидаларга нисбатан беписанд бўлма, деганидир. Бу оддий ҳақиқатнинг мағзини чаққан кўпгина тадбиркорлар ўз бизнеслари орқасида турмуш тарзини яхшилаб қолмай, хайру саховат бобида эл оғзига тушмоқдалар. Бу уларнинг солиқлар моҳияти ва мақсадини тўлиқ англаб олганликларидан далолатдир. Бунинг устига, жорий йил бошида амалга кирган янги Солиқ кодекси афзалликларини ҳам кўпчилик аллақачон тушуниб етди. Шу боис, тадбиркорларимизда тўловларга ҳалол муносабат туйғуси шакланиб бораяпти. Мен бу билан солиқ тизимида ҳамма ишлар жойида демоқчи эмасман. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳали айрим жамоаларда қонунга беписандлик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Гарчи Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодекси моҳияти ва аҳамияти солиқ тўловчилар ўртасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот қилинаётган бўлса-да, ўтган давр мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши режасига кўра, ўтказилган 85 та текширишдан 78 та ҳолатда қонунга беписандлик ҳолатлари ошкор бўлди. Солиқчилар саъй-ҳаракати билан бюджетга қўшимча равишда ундириш учун 61 миллион 912,6 минг сўм солиқ ва тўловлар ҳисобланди. Корхона томонидан солиқ қонунчилиги бузилиб, бюджетга тўланиши шарт бўлган солиқ миқдорини камайтириб кўрсатганликлари учун мутасаддиларга нисбатан таъсир чоралари кўрилди. Ҳаммаси бўлиб уларга 32 миллион 463,2 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди. Юқоридагиларни қўшиб ҳисоблаганда шаҳар бюджетига ўтган ойлар давомида 94375,8 минг сўм қўшимча маблағ ҳисобланди. Ҳозирга қадар ушбу маблағларнинг 78022,6 минг сўми бюджетга ундирилиб, улар шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларини молиялаштиришга йўналтирилди. Ушбу камчиликларга йўл қўйган 44 нафар тадбиркорлик субъектларининг турли даражадаги мансабдор шахсларига нисбатан 3542,8 минг сўм миқдоридаги маъмурий жарималар қўлланилди.

Шу ўринда яна бир мисол: шаҳардаги Э.Арабов раҳбарлик қилаётган «Рўзимурод» масъулияти чекланган жамиятда 2003-2007 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳамда солиққа оид ҳукумат қарорлари талабларига риоя қилиниши юзасидан (тақдим қилинган ҳужжатларга асосан) текшириш ўтказилди. Унда корхонада бухгалтерия ҳужжатлари талаб даражасида юритилмаганлиги кўзга ташланди. Жумладан, корхонада даромадни яшириш оқибатида бюджетга 15 миллион 264,3 минг сўм зарар етказилганлиги аниқланди.

Халқимизда касални яширсанг, иситмаси ошкор этар, деган мақол бор. Корхона раҳбарияти солиқчилар тиши ўтмайдиган ҳеч бир иш йўқлигини билишмаган чоғи, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 118-моддасига кўра 11269,6 минг сўм қўшимча маблағ ҳисобланганда уларнинг бошларидан ҳушлари учди. Когон шаҳар прокуратураси қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 184-моддаси билан жиноий иш қўзғатганда қилмишларидан минг пушаймон бўлишди...

Ҳа, қинғир иш ҳамиша ташвиш келтиради. Қонунларга беписандлик қилинган жойда барака бўлмайди. Шунинг учун давлатимиз солиқ сиёсатида кечаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмай, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланайлик. Ўшанда топаётган даромадимиз ҳалол ва дахлсиз бўлади. Зеро, эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги сизу бизнинг солиқларни вақтида, онгли равишда тўлаб боришимизга боғлиқ.

Мурод ҚУЛЛИЕВ,
Когон шаҳар ДСИ бошлиғи.

ФАРМОН ТЕВАРАГИДАГИ МАШМАШАЛАР

Украина Олий маъмурий суди (ОМС) муддатидан аввал парламент сайловларини ўтказиш ҳақидаги ишни кўриб чиқиш учун ўз хонасини беришдан воз кечди. Украина президенти Виктор Юшченко девонхонаси ишни кўриб чиқиш муддатини ўзгартиш илтимоси билан ОМСга муқаддам мурожаат қилганди. Эслатиб ўтамиз, президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ва сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармони Юлия Тимошенко блоки вакиллари томонидан қаршиликка учраган. Улар Киев округ маъмурий судига мурожаат этишгач, президент фармони кучга кириши тўхтатилди. Украина Марказий сайлов комиссияси ҳам суднинг ушбу қарорига бўйсунишини маълум қилди. Президент девонхонаси эса ўз навбатида Киев маъмурий аппеляция судига аппеляция билан мурожаат қилди. Хуллас, аризани кўриб чиқиш 17 октябрга белгиланди. Бироқ кейинчалик девонхона ОМСга яна мурожаат этиб, ишнинг айнан шу жойнинг ўзида кўриб чиқилишини сўраган. Шуни айтиш керакки, Юшченко фармони теварагидаги суд ишларини кўриб чиқиш машмашали ўтаяпти. Юлия Тимошенко блокидагилар судларга махсус хизмат ходимларининг ноқонуний тарзда юборилганлиги боис судьялар «таҳлика остида ишлаётганлигини» даъво қилмоқда. Юшченко атрофидагилар эса Юлия Тимошенконинг сафдошлари судларнинг ишлашига ҳалақит бериб, ишнинг кўриб чиқилишини атайин чўзмоқда, деб таъкидламоқдалар.

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ ЯНА БИР «ЎЛЖАСИ»

Франс-пресс агентлигининг хабар беришича, Сомали қароқчилари Адан кўрфазида Филиппиннинг юк ташувчи кемасини қўлга олган. Яқин Шарқдан Осиёга юк олиб кетаётган мазкур кема қароқчилар ҳужумига учраган. Филиппин ташқи ишлар вазирлиги вакили Эстебан Конехос мамлакат маъмурларининг аввалги ҳолларда бўлганидек, қароқчиларга ҳеч қандай ён берилмаслигини билдирган. Манила денгиз қароқчилари хуружларининг олдини олиш учун Сомали соҳилларида халқаро ҳарбий гуруҳ тузилишини ёқлаб чиқди. Халқаро денгизчилик бюросининг маълумотларига кўра, жорий йил бошидан буён Сомали соҳилларида 73 кема ҳужумга учраган. Денгиз қароқчилари томонидан 200 дан ортиқ денгизчи бўлган 11 кема ҳамон ушлаб турилибди, улар орасидаги Украинанинг қурол-яроғ ташиётган «Фаина» кемасида Россиянинг икки фуқароси ҳам бор. Москва Сомали соҳилларига қўриқчи кемани юборди, у шу жойдан ўтадиган Россия савдо кемалари хавфсизлигини таъминлайди.

EVO – ИНТЕРНЕТДАГИ ЯНГИ НОМ

Мамлакатимизда жадал ривожланаётган ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида октябрь ойи муҳим воқеаларга бой бўлаяпти. Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг маълумотларига кўра, 1 октябрда Ўзбекистондаги уяли алоқа мижозлари сони 10 миллион 882 мингтага етган. Ҳолбуки, жорий йил бошида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта уяли алоқа оператори хизматларидан 5 миллион 888 минг киши фойдаланётган эди.

17 октябрда мамлакатимиз юксак технологиялар бозорида EVO савдо белгиси остида иш юритувчи «Super iMAX» компанияси ҳам ўз фаолиятини бошлади. EVO — Ўзбекистондаги биринчи мобил WiMAX тармоғи ва жаҳондаги WiMAX «иккинчи тўлқин» мобил тармоғининг биринчи операторларидандир. Мутахассисларнинг таъкидига кўра, анъанавий радиоалоқа технологияларидан фарқли ўлароқ, WiMAX тўғридан-тўғри кўринмайдиган таянч станцияси орқали ҳам ишлайди. Ускунанинг бир тўплами бир нечта идора ва нуқтани боғлайдиган юқори тезликли симсиз Интернетга уланиш, телефония хизмати ва кооператив VPN-тармоқ яратиш имконини беради. Қўшимча ускунани эса дераза ёки иш столига ҳам ўрнатиш мумкин.

Айтиш керакки, ушбу энг илғор телекоммуникация технологияси Жанубий Кореянинг «Korea Telekom» ва Японияннинг «Sumitoma Corporation» компаниялари томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳамкорлиги натижасида ўтган йили «Super iMAX» компанияси ташкил этилди.

Ҳозир энг юқори технологиядан Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари аҳолиси фойдаланиши мумкин. Келаси йил охирида эса WiMAX бутун мамлакатимиз ҳудудини қамраб олиши режалаштирилган.

Алишер РЎЗИЕВ

Маҳсулотлар сертификатланган
Carlsberg Uzbekistan - MChJ «UzCarlsberg» QKsining belgisi

Carlsberg Uzbekistan

Биз, Sarbast Plus ҚК, 1 йил ичида замонавий пиво ишлаб чиқарувчи завод қуриб, Sarbast® Original ва Sarbast® Extra каби 2 та савдо белгисини муваффақиятли ишга тушириб, маҳсулот сифати учун 3 та нуфузли мукофот билан тақдирланиб, Carlsberg Group оиласига кирдик. Эндиликда биз "Carlsberg Uzbekistan"миз ҳамда кўпчиликка манзур бўлган **Sarbast®** савдо белгиси билан бирга, дунёга маълум бўлган бренд **"Tuborg Green"** ва тез орада сизга машҳур **"Балтика"**ни таклиф этамиз.

18+ МЕЪЁРИДАН ОРТИҚ АЛКОГОЛЬ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ СОҒЛИҒИНГИЗГА ЗАРАР!

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

КОСОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

2008 ЙИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №1:

1. Косон тумани, Этаковул қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш;
Бошланғич нархи — 13.499.000 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
2. Косон тумани, Гувалак қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 25.782.000 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
3. Косон тумани, Оқсалла қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 17.905.800 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
4. Косон тумани, Бойгунди қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 23.623.000 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
5. Косон тумани, Наврўз қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 17.905.800 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
6. Косон тумани, Янгиобод қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 13.499.100 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.
7. Косон тумани, Хўжақудуқ қишлоқ автомобиль йўлларини ўрта таъмирлаш.
Бошланғич нархи — 17.905.800 сўм, қурилиш муддати — 30 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Косон туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлими.
Манзили — Косон тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 74-уй. **Тел:** (359) 2-11-94.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет.

ЯККАБОҒ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

2008 ЙИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Яккабоғ тумани, Қишлик ҚФЙ ҳудудига қарашли «Қишлик-Алакуйлак» йўлини (3,5 км.) ўрта таъмирлаш.

Бошланғич нархи — 53.679.964 сўм,
қурилиш муддати — 90 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Маҳаллий бюджет.
Буюртмачи — Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туман ҳокимлиги Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими.
Манзили — Яккабоғ тумани, Амир Темур кўчаси.
Тел: (358) 2-45-82.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига эга бўлиши ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжуд бўлиши;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига эга бўлиши;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли бўлиши;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши;
- йўл қурилиши ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга бўлиши шарт.

Талабгор ташкилотларга буюртмачи томонидан белгиланадиган қонун доирасидаги бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел: (375) 224-05-24, 224-18-33.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

МАМК ТАРКИБИДАГИ ҚАРШИ ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

2008 ЙИЛДА ЎРТА ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қарши шаҳар, Шибаев (Насаф-2) кўчасини ўрта таъмирлаш.

Бошланғич нархи — 457.859.096 сўм, қурилиш муддати — 45 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат бюджети.
Буюртмачи — Қашқадарё вилоят МАМК таркибидаги Қарши шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими.
Манзили — Қарши шаҳри, Шарқ кўчаси, 1-уй.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига эга бўлиши ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжуд бўлиши;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига эга бўлиши;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли бўлиши;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши;
- йўл қурилиши ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга бўлиши шарт.

Талабгор ташкилотларга буюртмачи томонидан белгиланадиган қонун доирасидаги бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел: (375) 224-05-24, 224-18-33.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ЎзР ИИВ ЖИЭББ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЛИМИ УЯ-64/49 ЖИЭК

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қарши шаҳар 64/49, 64/33, 64/61 УЯга элтувчи юқори босимли газ қувури тортиш.

Бошланғич нархи — 566.555.492 сўм, ***қурилиш муддати*** — 20 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети.
Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ИИБ жазони ижро этиш бўлими УЯ-64/49 ЖИЭК
Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга эга бўлиши ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжуд бўлиши;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига эга бўлиши;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли бўлиши;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши;
- юқори босимли газ қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга бўлиши шарт.

Талабгор ташкилотларга буюртмачи томонидан белгиланадиган қонун доирасидаги бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел: (375) 224-05-24, 224-18-33.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 70000 сўм.

Таклифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

✓ Мустақиллик тенгдошлари

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқала туманидаги Сарибий қишлоғида яшовчи Қамариддин Шариповлар оиласи бир хатни жуда қадрлаб асраб-авайлаб келади. У зарҳал рамкага солиниб, меҳмонхона тўрига илиб қўйилган.

Оиланинг кенжа қизи Машҳуранинг ёзган хатига Президент Ислом Каримовнинг жавоб мактуби бу.

«Азиз Машҳура қизим!

Менга йўллаган табригингда билдирган самимий ҳурмат ва эҳтироминг учун чексиз миннатдорман.

Чин қалбимдан сенга, оила аъзоларингга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, омонлик тилаб қоламан».

Бу сатрлар бутун қишлоқ аҳлига ёд бўлиб кетган.

«ҲАММАМИЗ ҲАМ ШУ ВАТАННИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Машҳура Юртбошимизга хат ёзганида етти яшар эди, ҳозир у 17 ёшга тўлди. Ўша эркатой, қақилдоқ қизалоқ бугун оғир-вазмин, бўй етган. Қишлоғида ўтган йили қурилиб ишга туширилган Агроиқтисодиёт коллежи талабаси.

— Яқинда қизим ўзи таҳсил олаётган коллежда ўтказилган шеърият кечасига мени ҳам таклиф қилди, — дейди Машҳуранинг онаси, кекса ўқитувчи Ойимжон опа. — Тошкентдан таниқли ёзувчи ва шоирлар учрашувга келишган экан. Таълим олиш учун яратилган шароитлардан бир ҳайратлансам, талабаларнинг савияси, билим даражаси ва муомаласидан яна бир қувондим. Қаранг, Мустақиллик шарофати билан туман марказларида эмас, ҳатто қишлоқларимизда ҳам коллежлар қурилди. Қишлоқ болалари учун яратилган шарт-шароит шаҳардагидан асло қолишмайди.

Машҳура «Камолот» ёшлар ҳаракатининг коллеж ва тумандаги фаол аъзоси. Учта шеърий тўплам муаллифи. Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари (2005 йил) танлови ғолиби.

У билан бундан ўн йил муқаддам учрашган эдим. Кичкина қизалоқ Президентимиздан олган хатни кўрсатиб, ғурурланган эди. Ҳозир эса унинг гаплари янада жиддий, масъулиятли.

— Юртбошимизнинг хатига ҳар куни кўзим тушади, ҳаяжонланаман, фахрланаман. Ундаги тилак ва эътиборга муносиб бўлишим керак, — дейди у.

Тенгдошлари Машҳурага ҳавас билан қарайдилар. Машҳура эса уларга шундай дейди:

— Ҳаммамиз ҳам шу Ватаннинг фарзандларимиз. Давлатимиз раҳбари: **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»,** дея бежиз таъкидламаган. Бу эзгу тилакни мен қатъий талаб деб биламан!

Машҳура бу талабни бажаришга астойдил аҳд қилган. Коллежни битиргач, ўқишни давом эттирмоқчи. Журналист бўлмоқчи. Президентнинг хати эса, унинг ҳаётида йўлчи юлдуз вазифасини бажараяпти, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги «Чиғатой» футбол маркази яшил майдонларида журналистлар ўртасида мини футбол бўйича Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун ўтказилаётган анъанавий турнир қизғин давом этмоқда.

Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган «Ўзбекистон овози» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари таҳририятларининг бирлашган жамоаси дастлабки турда «Тошкент» телеканали вакилларига кичик фарқ билан (1:2) ютқазиб қўйганди. Кеча жамоамиз иккинчи учрашувда «XXI аср» газетаси футболчиларига қарши ҳужумкор ўйин намойиш этиб, рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0. Гуруҳимиздаги қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Туркистон» — «XXI аср» — 2:4, «Маърифат» — «Туркистон» — 1:0.

Бугун ўтказиладиган навбатдаги тур учрашувларида жамоамиз — «Маърифат», «Тошкент» ТВ — «XXI аср» ўзаро куч синашадилар.

Турнирнинг бошқа гуруҳларида дастлабки икки турда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: **«А» гуруҳи.** ЎзДЖТУ — БСРЖ (республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот хизмати) — 7:2, «Чемпион» — «Барака» — 2:1, БСРЖ — «Чемпион» — 5:5, МТРК — ЎзДЖТУ — 2:2. **«С» гуруҳи.** «Туркистон-пресс» — «Халқ сўзи» — 2:1, «Ватанпарвар» — «Жамият» — 4:4, «Халқ сўзи» — «Ватанпарвар» — 6:6, «Ўзбекистон футболи» — «Туркистон-пресс» — 7:0. **«Д» гуруҳи.** «Янги аср авлоди» — «Sport» ТВ — 3:2, «Хонадон» — «Ҳуқуқ» — 10:3, «Sport» ТВ — «Хонадон» — 5:0, «Машъал-Спорт» — «Янги аср авлоди» — 1:1.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ўртасида ўтказилган «Челленжер» халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақа асосий тўр учрашувларида беш нафар ҳамюртимиз кортга чиққан бўлсада, яккалик баҳсларида улардан фақат Денис Истомингина ярим финалгача етиб борди.

Теннисчимиз финал йўлланмаси учун курашда франциялик Матейи Монткартга имкониятни бой бериб қўйди — 6/4, 6/7(4), 1/6. Иккинчи финалчи номи Йен Хсун Лу (Хитой-Тайпейи) — Михаэл Беррер (Германия) учрашувидан сўнг аниқланди — 6/3, 6/7(5), 6/1.

Муросасиз кечган ҳал қилувчи баҳсда Хитой-Тайпейи вакили бежизга турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси сифатида эътироф этилмаганлигини исботлади. Икки сет натижасига кўра, Йен Хсун франциялик теннисчини доғда қолдирди — 6/3, 6/2.

Дилноза КАМОЛОВА

✓ Қинғир иш — келтирар ташвиш

РЎЙХАТДА ЙЎҚ МЕҲМОНЛАР

Кўнгли очиқ халқмиз. Меҳмон келса, иззат-хурматини жойига кўямиз. Айтиш керакки, мустақиллик йилларида пойтахтимизда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган меҳмонхоналар қад кўтарди. Мижозларга сервис хизмати кўрсатиш юқори даражада. Қисқаси, меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Бироқ айрим меҳмонхона масъулларининг ножўя ишларга қўл ураётгани ачинарлидир. Масалан, пойтахтимиздаги «MARKAZIY» меҳмонхонасида текшириш ўтказилганда қатор ноқонуний ишлар аниқланди. Жумладан, савдо қоидалари бузилган. Мижозлар томонидан тўланган 34.336.944,4 сўм пул кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилган. Ажабланарли томони шундаки, ушбу меҳмонхонада 28 нафар чет эл фуқароси рўйхатдан ўтмасдан яшаётган экан?!

Бундан ташқари, омборхонада ҳужжатсиз тамаки ва спиртли ичимликлар сақланаётгани ғалати. Мана бу ҳолат ҳам кишини ўйлантиради. Мижозларга кўрсатилган хизматлар учун 1.948.234,806 минг сўм олинган. Лекин меҳмонхона бухгалтериясида фақат 756.583,44 минг сўм кўрсатилган, холос. Хуллас, ўзаро жиноий тил бириктириб, катта миқдордаги пулни ўзлаштирганлар амалдаги қонунларга биноан тегишли жазоларини олишди.

Искандар НАИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бўлими бошлиғи.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda